

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 октябрь куни Самарқанд шахрида бўлиб ўтадиган Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош конференцияси 43-сессиясининг очилиш маросимида иштирок этади.

Бош конференциянинг тарихий сессияси қирқ йил ичда биринчи марта ЮНЕСКО-нинг Париждаги қароргоҳидан ташқарида ўтказилмоқда. Бундай кенг қўламли халқаро форумнинг Самарқандда ўтказилиши Ўзбекистоннинг ташкилот аъзолари ва кадрларига содиқлиги, шунингдек, тинчлик, ўзаро англашув ва барқарор тараққиёт йўлидаги глобал мулоқотни ривожлантиришга фаол ҳисса қўлишига қатъий интилишининг ёрқин тасдиғи бўлади.

Ушбу муҳим сессия доирасида таълим, фан, маданият, экология, технология ва коммуникация соҳаларидаги асосий масалаларни муҳокама қилишга бағишланган 150 дан ортиқ турли шаклдаги тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Бундай нуфузли халқаро тадбир дунёнинг энг қадимий ва улугвор шаҳарларидан бирида ташкил этилгани ўзига хос рамзий маънога эга. Бу жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонга бўлган юксак ишончи, унинг маданиятлараро мулоқот ғояларини илгари суриш, тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги

нуфузи ҳамда фаоллиги тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Тадбирда 200 дан зиёд давлат ва халқаро ташкилотлардан юқори даражадаги делегациялар, жумладан, Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич, Словакия Республикаси Президенти Петер Пеллегрини, ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле ва бошқа фахрий меҳмонлар иштирок этади.

ЮНЕСКО Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасаси бўлиб, 1945 йилда таълим, фан, маданият ва коммуникациялар соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш орқали тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йилда ЮНЕСКОнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. 1996 йилда Тошкентда ташкилотнинг ваколатхонаси очилгани мамлакатимизнинг ушбу нуфузли халқаро тузилма билан ҳамкорлиги ва кўп қиррали шериклигини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди.

ЎЗА

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 октябрь куни ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида камбағаллик даражаси 2021 йилдаги 17 фоиздан 6,8 фоизга, кам таъминланган оила сифатида нафақа олувчилар сони эса 14 фоиздан 6,1 фоизга камайди.

Шу билан бирга, бугунги кунда аҳолини оғир ҳаётий вазиятларда даромадсиз қолиши ва камбағалликка тушишининг олдини олиш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида.

Тақдимотда бу борадаги долзарб масалалар кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, хусусий секторда банд бўлган аҳолининг барчасига ҳам ҳомиладорлик, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ва ишдан бўшаш бўйича нафақалар тўлаб берилмаяпти. Бу ҳолатни тўловлар кўп ҳолларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархининг ошишига олиб келаётгани ва рақобатбардошликка таъсир кўрсатаётгани, иш бевувилар нафақаларни тўлашга ортқича юкланма сифатида қараётгани сабабли тадбиркорлар учун ушбу тизим жозибдор эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Қолаверса, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг

минимал нормалари тўғрисида”ги ва “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”-ги конвенцияларига мувофиқ, туғиш ва касаллик бўйича нафақалар ижтимоий суғурта механизмлари орқали тўланиши белгиланган.

Тақдимотда аҳолини ижтимоий нафақалар билан қамровини ошириш ҳамда миллий ижтимоий суғурта тизимини халқаро ҳужжатларга уйғунлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган таклифлар кўрилди.

Расмий банд бўлган барча шахсларга нафақалар босқичма-босқич Ижтимоий ҳимоя жамғармаси томонидан тўланиши йўлга қўйилди. 2026 йилдан бошлаб аёлларга ҳомиладорлик нафақаси, 2026 йил иккинчи ярмидан эса вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари тўлаб борилади.

Янги тизимнинг асосий мақсади аёллар ва ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан бирга расмий меҳнат муносабатларини рағбатлантириш экани таъкидланди.

Президентимиз таклифларни маъқуллаб, ижтимоий суғурта соҳасини рақамлаштириш, тизим шаффоф ишлаши, нафақалар проактив равишда тайинланиб, тўлаб борилишини таъминлаш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА

ФИНЛЯНДИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Финляндия Республикаси Президенти Александр Стубб 29 октябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Олий мартабали меҳмонни Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Жамшид Хўжаев ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Тошкент шахрида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади, уларда Ўзбекистон билан Финляндия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, қишлоқ хўжалиги, экология, кимё, энергетика,

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН — ФИНЛЯНДИЯ: ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРНИНГ МУҲИМ ДАВРИ

Финляндия Президенти Александр Стубб 29 октябрь куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ўттиз йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кўп ўтмай йўлга қўйилган.

Хусусан, Финляндия Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини 1991 йил 30 декабрда тан олди ва дипломатик муносабатлар 1992 йил 26 февралда ўрнатилди.

Бироқ узоқ вақт давомида икки мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳеч қандай суъригсиз ривожланмади. Бугун эса биз янги босқичнинг бошланиши ҳақида ишонч билан гапиришимиз мумкин. Бу — давр руҳи ва икки мамлакат манфаатларига мос келадиган мазмунли, прагматик ва истисноли ҳамкорлик босқичи.

➤ Давоми 2-бетда



Ўзбекистоннинг қадимий ва гўзал Самарқанд шаҳри ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказилиши туфайли яна бир бор жаҳон маданияти ва илм-фаннинг муҳим маркази сифатидаги мавқеини тасдиқлайди.

Бундай нуфузли анжуманнинг айнан Самарқандда ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, у асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган, турли маданиятлар, динлар ва илм-фанларнинг ўзаро таъсирига саҳна бўлиб хизмат қилган шаҳардир. Жаҳон миқёсидаги тадбир ўтказиладиган жой сифатида танланиши мамлакатимизнинг маданият, илм-фан, таълим, коммуникация ва ахборот соҳаларидаги

ютуқлари ҳамда бой тарихий ва маданий меросининг яққол эътирофи ҳамдир. Бинобарин, ЮНЕСКО жаҳон халқларини билим, маданият ва фан орқали бирлаштиришни мақсад қилган нуфузли халқаро ташкилот. Унинг асосий вазифаси асосан маданий меросни асраб-авайлаш, таълим тизимини ривожлантириш ва жамиятда тинчлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдан иборат.

ЮНЕСКОнинг асосий мақсади таълим, фан, маданият, коммуникациялар, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш орқали тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қўмаклашидир. Мазкур халқаро ташкилот яли саводсизликка қарши курашиш, маориф тизимини ривожлантириш, миллий маданиятларини ўрганиш, атроф-муҳит ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш каби кенг қамровли масалаларни ҳал этишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Бош конференция арафасида Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО XIV Ешлар форуми ҳамда ЮНЕСКО ишлари бўйича

➤ Давоми 3-бетда

ИПАК ЙЎЛИ — ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

ЮНЕСКО Бош конференциясининг Самарқанд шахрида жорий йил 30 октябрь — 13 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган 43-сессияси олдидан қатор тадбирлар, учрашувлар ташкил этилмоқда. 29 октябрь куни кўҳна ва ҳамиша навқирон кентда ЮНЕСКО Миллий комиссиясининг 12-йигилиши ўз ишини бошлади.

Миллий комиссиянинг асосий вазифаси Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ва ICESCO фаолиятидаги халқаро нуфузи ва ўрнини мустаҳкамлаш, вазирлик ва идораларнинг маданият, таълим, илм-

фан, коммуникациялар ва ахборот ишлаб чиқаришга доир фаолиятини мувофиқлаштириш саналади.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 43-СЕССИЯСИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛИБ, ГЛОБАЛ ЭЪТИБОР МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

САМАРҚАНДДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ХАЛҚАРО ФОРУМНИНГ ХОРИЖИЙ ИШТИРОКЧИЛАРИ АНЖУМАН ҲАҚИДА

40 йилдан сўнг биринчи марта Париждан ташқарида ўтказиладиган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Самарқандда очилмоқда. Ушбу кенг қўламли халқаро тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилиши чуқур рамзий маънога эга.

Иштирокчилар тарих ва замонавийлик уйғунлашган Самарқанд муҳитидан илҳом олаётганини таъкидламоқда. Ўрта асрларда бу шаҳар маданиятлар ва цивилизациялар чорраҳаси, илм-фан, санъат ва таълим маркази, бутун дунёга таъсир



кўрсатган ғоялар манбаи бўлган. Ва бугунги кунда бу қадим кентда цивилизациялар ва аждодлар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлашга қаратилган янги ташаббуслар туғилмоқда.

➤ Давоми 2-бетда

ЯНГИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИ — КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ҚАДАМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 17 октябрь куни қасаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашув ўтказди. Ушбу тарихий учрашув мамлакатимиз, халқимиз тарихида яна бир янги саҳифа очди. Чунки учрашувда давлатимиз раҳбари “Кучли қасаба уюшмалари — кучли жамият асоси” деган ташаббус асосида бир қатор вазифаларни белгилаб берди. Уларнинг ҳар бири ҳаётбахш, инсон қадрини улуглашга қаратилгани билан ажралиб туради. Биламизки, сўнгги йиллардаги бундай янгиланишлар халқимиз ҳаётини тудан ўзгартириб, халқаро майдонда кенг эътироф этилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун жаҳонда янги Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб бораётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил сентябрь ойда АҚШга ташрифи чоғида дунё аҳлининг юртимиз ҳақидаги тасаввурини бутунлай ўзгартириб юборадиган воқеалар юз берди. Нью-Йорк осмонида Президентимиз шарафига “Президент Шавкат Мирзиёев, АҚШга ҳуш келибсиз!” ёзуви ҳамда давлатимиз байроғи акс этирилиши қалбимизни ғурурга тўлдирди.

Мамлакатимиз етакчиси БМТ Бош Ассамблеяси 80-йубилей сессиясида сўзга чиқиб, янги Ўзбекистондаги орта қайтмас ислохотлар ҳақида гапирди. Шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик энг долзарб масалаларни ҳал этиш, тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

➤ Давоми 5-бетда



ЎЗБЕКИСТОН – СЕРБИЯ: ДЎСТЛИК, ЎЗАРО ИШОНЧ ҲАМДА ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, халқро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, позицияларни ўзаро қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олди.

Шундан сўнг Сербия Президенти Александр Вучич рафиқаси билан Тошкент шаҳрида барпо этилган, Ислом меъморчилигининг ҳақиқий дурдонаси ва Ўзбекистоннинг Учинчи уйғониб келган тисоли саналган Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмонга Бош вазир ўринбосари О.Раматов ҳамда марказ раҳбарияти, олимлар ҳамроҳлик қилиб, дунёда ўхшаши бўлмаган ушбу улкан меъморий мажмуа ҳамда унинг жаҳон илм-фани ва ислом оламидаги ўрни ҳақида батафсил маълумот берилди.

Президент Александр Вучич марказнинг музейи, кўргазма заллари, архив, ахборот технологиялари маркази, қўлёзмалар бўлими, хаттотлик ва ислом меросини сақлашга қаратилган инфратузилмалар билан танишди.

Шунингдек, марказ ҳудудида ташкил этилган Ислом академияси, ахборот-ресурс маркази, конференция зали ва бошқа иншоотлар ўзига хос меъморий услубда бунёд этилгани билан меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Замонавий шаҳарсозлик шаронтида бундай меъморий ёдгорликларнинг аҳамияти, Марказнинг мақсад ва вазифалари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Қадимий меъморий анъаналар ва миллий безаклар уйғунлигида қурилган, тўрт томониди баландлиги 34 метрли пештоқлар, ўртада эса 65 метрли миллий услубдаги гўмбаз барпо этилган бу иншоотнинг маҳобати меҳмонларни ўзига ром этди.

Президент Александр Вучич марказдаги экспозициялар билан танишиб,

халқимизнинг бой тарихий ва маънавий меросини кенг намойиш этишга қаратилган бундай ишлар юксак самара беришига ишонч билдирди.

Шунингдек, Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич Ўзбекистон Рақамли технологиялар вазирлигига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмоннинг вазир Шерзод Шерматов бошчилигидаги масъуллар самимий кутиб олди.

Учрашув аввалида Рақамли технологиялар вазирлиги фаолияти, мамлакатимизда рақамлаштириш жараёнининг бориши ҳамда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида видео-лаваҳ намойиш этилди.

Тақдимотда электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, АТ-таълимни ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва рақамли инфратузилмани кенгайтириш борасида эришилган натижалар акс этган.

Президент Александр Вучич юртимизда кенг қўламли рақамли трансформация жараёни жадал кечаяётганига тўхталиб, бу борадаги давлат сиёсати ва ташаббуслар изчиллигини эътироф этди. Шунингдек, Сербия ва Ўзбекистон ўртасида айлани йўналишида тажриба алмашиш, қўшма технопарклар ташкил этиш ва ёш мутахассислар алмашишувини йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

Меҳмонлар IT-Парк фаолияти, рақамли хизматлар марказлари, электрон ҳукумат тизимининг ишлаш механизми ҳамда ёш дастурчилар учун яратилган шароитлар билан ҳам танишди.

Мазкур учрашув Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Рақамли технологиялар йўналишидаги ўзаро мулоқот эса икки давлат ўртасида ўрнатилган замонавий ҳамкорлик кўпригини янада мустаҳкамлашни шубҳасиз.

Тошкент шаҳридаги “Технопарк” мажмуасида Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги

ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришга қаратилган бизнес-форум бўлиб ўтди. Анжуман доирасида икки давлат саноат кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Сербия Президенти Александр Вучичнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи кун тартибидан ўрин олган форумда ҳар икки давлатдан ҳукумат вакиллари, тегишли идоралар масъуллари ва 100 дан ортиқ тадбиркор иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Хўжаев мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар самараси, эришилган аниқ натижалар хусусида маълумот берди.

Ўз навбатида олий мартабали меҳмон икки томонлама ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратилаётганини таъкидлади.

2025 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон ва Сербия ўртасидаги савдо ҳажми 2,5 фоиз ошди. Республикаимиз экспортининг асосий йўналишлари пахта, тўқимачилик ҳомашёси, кимё маҳсулотлари, дон экинлари ва керамика саналари. Сербиядан асосан саноат ускуналари, техника, косметика маҳсулотлари, қоғоз, металл ва мебель импорт қилинади. Юртимизда сербиялик инвесторлар иштирокида 9 та корхона фаолият юритмоқда.

Тадбир давомида ҳамкорликни халқро саноат кооперацияси, фармацевтика, кимё, кишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари ва моливий шериклик соҳаларида ривожлантириш йўналишлари белгиланди.

Саноат ютуқлари тақдим этилган кўргазмада Ўзбекистоннинг 50 дан зиёд компанияси фармацевтика, кимё, қурилиш материаллари, кишлоқ хўжалиги ва автомобилсозлик маҳсулотлари ҳамда инновацион ишланмаларни намойиш этди.

Форум майдонида G2B ва B2B учрашувлари ҳам ташкил қилиниб, ҳамкорлик лойиҳалари бўйича дастлабки келишувларга эришилди.

Иштирокчилар Ўзбекистон ва Сербия ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилаётганини қайд этишди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 43-СЕССИЯСИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛИБ, ГЛОБАЛ ЭЪТИБОР МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

САМАРҚАНДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ХАЛҚАРО ФОРУМНИНГ ХОРИЖИЙ ИШТИРОКЧИЛАРИ АНЖУМАН ҲАҚИДА

Бошланиши 1-бетда



Мака БОЧОРИШВИЛИ, Грузия ташқи ишлар вазир:

— Энг аввало, ЮНЕСКО Бош конференциясининг айнан шу ерда, Ўзбекистонда — тарих ва маданиятга бой, гўзал Самарқанд шаҳрида ўтиши ҳақиқатан ноёб ҳодисадир. Бу Ўзбекистон учун тарихий лаҳза, мен учун эса бу ерда бўлиш ва ушбу бетақор маконни кашф этиш катта мамнуниятдир.

Самарқандда Бош конференциянинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг ва шахсан

Президентнинг ўзига хос етакчилигини, шунингдек, мамлакатни жаҳон сахнаси марказига олиб чиқишга бўлган интилишини намоеъ этади. Биз, грузинлар бу ерда бўлишни ажайиб имконият деб ҳисоблаймиз. Грузия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларга катта аҳамият қаратамиз ва у жадал ривожланмоқда.

Грузия ҳам ўз тарихи ва маданий меросларига бой давлат. ЮНЕСКО доирасидаги ҳамкорлик биз учун жуда муҳим. Ушбу ташкилот билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйганимиз ва грузин маданиятини илгари суриш ҳамда грузин тарихи бутун дунёда яхши танилиши биз учун катта аҳамиятга эга.

Бугун турли цивилизация ва маданиятларни бирлаштирувчи жойда эканлигимиз жуда муҳим. Бу ҳақиқатан ноёб макондир. Ўзбекистон каби Грузия ҳам Буюк ипак йўлининг тикланишида асосий иштирокчи ҳисобланади. Биз қадимий Ипак йўлини янги форматда илгари суриш ва ҳамкорликни янада ривожлантириш учун тегишли ишларни амалга оширяпмиз.

Самарқанд бу — бой тарих ва маданиятга эга гўзал шаҳар. Бу ерда бўлиш ва гўзал кентни ўзимиз учун кашф этиш шодлик бағишлаяпти.



Элҳаж Амаду Ури БАРРИ, ЮНЕСКОнинг XIV Ёшлар форуми иштирокчиси (Гвинея):

— Мен учун мазкур форумнинг ташкил этилиши жуда муҳим, чунки бу ерга Гвинеядан ўз мамлакатини тақдим этиш учун делегат сифатида келдим. Ўз юртим делегати бўлиш ва миллатим номидан сўзлаш мен учун катта шараф.

ЮНЕСКО Ёшлар форумига келсак, бу ҳақиқатан ажайиб воқеа. Жорий форум ўн тўртинчисидир. Форумнинг асосий мавзуси иқлим чоралари ва уларнинг ижтимоий оқибатлари, айниқса, унда ёшларнинг ролига бағишланди.

Ёш авлод бу муҳокамалар марказида туриши кераклигига аминман, чунки бежиз “Бугунги ёшлар — эртанги дунёнинг келажаги” дейишмайди.

Ҳатто ўзимга савол бердим — форумни айнан Самарқандда ўтказишни ким таклиф қилди? Бу, шубҳасиз, ажайиб қарор. Унда ўзига хос энергия ҳис қилинади ва менимча, барча иштирокчилар мамнун. Нафақат мен, балки дўстларим ҳам ушбу туйғуни баҳам кўрмоқда, ҳамма ўзини жуда мамнун ҳис қилмоқда ва хурсанд.

Бошқа иштирокчилар ва ўтқларим билан фаол мулоқот қиляпман, уларга Самарқанд ҳақида гапириб берапман ва айтишми керакки, шаҳар чиндан ҳам ҳайратга сазовор.

ИПАК ЙЎЛИ – ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ



Бошланиши 1-бетда

Тадбирда ташкилот кун тартибидagi долзарб масалалар, хусусан, ёшлар сиёсати, давлатлар, фуқаролик жамияти ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, барқарор ривожланиш, инклюзивлик масалалари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар кенгаш кун тартиби мазмунан бой экани ҳамда ЮНЕСКО фаолияти учун муҳим йўналишларни ўз ичига олгани, маданиятлараро мулоқотни чуқурлаштириш рақамли даврда, айниқса, Ипак йўли бўйлаб маданий меросдан самарали фойдаланиш, барқарор туризмни ривожлантириш ҳамда маҳаллий ҳамжамиятлар ҳамкорлигини кучайтириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Ипак йўли цивилизациялар ўртасидаги мулоқотнинг ёрқин намунаси бўлиб, тез суръатларда рақамлашган дунёда маданий алмашинув тинчлик, ўзаро англашув ва умумий фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди, — деди ЮНЕСКО бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси раиси Гафне Умерова. — Миллий комиссиялар учун бу жараён маданий меросни таълим, ижод ва замонавий технологиялар билан уйғунлаштирувчи инновацион ёндашувларни илгари суриш имконини беради. Бу орқали жамоалар, айниқса, ёшлар ва маҳаллий фаоллар ўз маданий ресурсларининг ҳам сақловчисини, ҳам

фойдаланувчисини сифатида фаол иштирок эта олади.

— Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг Бош конференциясини ўтказишни таклиф этди ва охириг қирқ йил ичида мазкур нуфузли тадбирни Париждан ташқарида ўтказишга журъат этган ilk давлатга айланди, — дейди ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сара Ношади. — Бу ҳақиқатан тарихий қарор бўлиб, икки йил аввалги сессияда барча аъзо давлатлар томонидан яқдидлик билан қўллаб-қувватланди. ЮНЕСКО учун кўп йиллар давомида конференцияни Париждан ташқарида ўтказиш деярли имконсиздек кўринган эди. Аммо бугун биз бунинг амалга ошганини кўрмоқдамиз — бу Ўзбекистоннинг ташаббуси ва қатъияти туфайли рўй берди.

Шу билан бирга, Бош конференциянинг ажралмас қисми саналган ЮНЕСКО Ёшлар форуми ҳам бўлиб ўтди. Унда турли мамлакатлардан келган ёш делегатлар иштирок этиб, ЮНЕСКО мандати доирасидаги асосий йўналишлар, таълим, маданият, фан ва коммуникация масалаларини муҳокама қилди. Бу учрашувлар ёш авлод овозини эшитиш ва уларнинг гоъларини глобал кун тартибига киритиш имконини беради.

Ўзаро ҳамкорлик алоқалари, айниқса, 2017 йил Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида кенг қўламли ислохотлар бошлангандан кейин янги босқичга кўтарилди. 2022 йилда Парижда Ўзбекистон ва



Ксения ЛАНЕЦ, Беларусь вакили:

— ЮНЕСКО Ёшлар форумининг аҳамияти жуда юқори, чунки у бутун дунёдан — турли мамлакатлар, минтақалар ва касбий соҳалардан ёш мутахассисларни бирлаштирди. Айнан мана шу хилма-хиллик форумни мулоқот ва гоълар алмашиш учун муҳим платформага айлантирди.

Аввалги форум ва ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Парижда эмас, балки Самарқандда ўтказилишини биллиб, ҳайрон қолдим. Чунки ЮНЕСКО тадбирлари доим Парижда бўлиб ўтган. Лекин бу ерга келганимдан хурсандман. Самарқанд — бу ҳайратланарли шаҳар: қадимий, чиройли, ноёб меъморчиликка ва ақл-бонар қилмас даражада мазали таомларга эга. Бу ерда ажайиб муҳит ҳукмрон, шунингдек, одамлари хотиржам, самимий ва жуда меҳмондўст. Ўйлайманки, барча иштирокчилар унутилмас таассуротлар билан қайтади.

Мен Ўзбекистон ҳақида аввал ҳам билардим. Аммо кўплаб янги дўстларим учун, масалан, Монақодан келганлар учун бу ҳақиқий кашфиёт бўлди. Улар аввал мамлакат ҳақида деярли ҳеч нарса билишмаганини, энди эса унинг маданияти ва одамлари ҳақида ёрқин таассуротларни ўзлари билан олиб кетишларини тан олишди.

Шунинг учун форумнинг айнан Самарқандда ўтказилиши — нафақат муҳим халқро воқеа, балки Ўзбекистон учун ўзини жаҳон майдонидан намоеъ этиш, ўз меҳмондўстлиги ва бой маданий меросини кўрсатиш учун ажайиб имкониятдир.

“Дунё” АА

Самарқанд

ЎЗБЕКИСТОН – ФИНЛЯНДИЯ: ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРНИНГ МУҲИМ ДАВРИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон — Финляндия муносабатларининг ҳозирги босқичи сиёсий алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва ҳар икки томоннинг ўзаро муносабатларни барқарор ва тизимли равишда ривожлантиришга интилиши билан тавсифланади. Ўзбекистоннинг муносабатларни диверсификация қилиш, ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш ва Европа мамлакатлари билан шериклини ривожлантиришга қаратилган фаол ташқи сиёсати бу жараёнда муҳим роль ўйнади.

Сўнгги йилларда ўзаро қатор ташрифлар ҳамда олий ва юқори даражалардаги учрашувлар бўлиб ўтди. Хусусан, 2024 йил ноябрь ойида Бокуда бўлиб ўтган COP 29 иқлим конференцияси доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Финляндия Президенти Александр Стубб билан учрашди. Сўхбат давомида томонлар турли соҳаларда мулоқотни ривожлантириш ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан ўзаро манфаатдор эканини яна бир бор тасдиқлади.

Икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасида ўтказилаётган маслаҳатлашувларда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинмоқда.

2020 йилдан бери ривожланиб келаётган парламентлараро алоқалар ҳам ишонч ва ўзаро тушуниш муҳитини яратишга ҳисса қўшяпти.

Халқро майдонда расмий Тошкент ва Хельсинкининг позициялари ўхшаш. Ҳар икки мамлакат кўп томонлама мулоқотни мустаҳкамлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш ва барқарор ривожланишда ҳамфикрди. Финляндия Ўзбекистоннинг БМТ ва бошқа халқро тузилмалар доирасидаги ташаббусларини ҳам фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда, бу ўзаро ишончнинг юқори даражасини акс эттиради.



Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги иқтисодий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Ҳозир мамлакатимизда машинасозлик, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, телекоммуникация, тоза технологиялар ва агро саноат соҳаларида фаолият юритувчи Финляндия капиталли иштирокидаги 13 та корхона ишламоқда.

Ишбилармонлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2017 йилда Финляндиянинг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича давлат котиби ўринбосари Маркус Койвунен бошчилигидаги тадбиркорлар делегацияси Тошкентга келди. Делегация тартибидан Финляндиянинг Ўзбекистонда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш билдирган тўққизта йирик компанияси вакиллари ўрин олди.

Финляндия Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватловчи минтақавий ташаббусларда ҳам фаол иштирок этаётир. Жумладан, Финляндия Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон каби минтақа мамлакатларида экология, сув ресурслари ва метеорология соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштиради. Ушбу ташаббуслар “яшил иқтисодиёт” ва инновация соҳаларида узоқ муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Ташқи иқтисодий алоқаларни диверсификациялаш ва илгор технологияларни жалб қилишга интилаётган Ўзбекистон учун Финляндия йўналиши катта салоҳиятга эга. У Европадаги энг инновацион ва технологик жиҳатдан ривожланган давлатлардан бири сифатида танилган, Ўзбекистон эса Марказий Осиёда бой инсон ва табиий ресурсларга эга тез ривожланаётган иқтисодиётдир. Ушбу омилларнинг уйғунлиги саноат, энергетика, рақамлаштириш ва барқарор ривожланиш

соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очади.

Маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликини ривожлантириш Ўзбекистон — Финляндия муносабатларида алоҳида ўрин тутди. 2022 йил сентябрь ойида Тошкентда Финляндиянинг Нордик университети филиали очилди. Мазкур ОТМ молия, халқро муносабатлар ва ахборот технологиялари соҳаларида мутахассислар тайёрлаш учун муҳим платформага айланди.

Расмий Тошкент ва Финляндия университетлари ўртасида фаол академик ҳамкорлик йўлга қўйилган. Масалан, Тошкент давлат стоматология университети Йювяскюл амалий фанлар университети билан қўшма магистратура дастурларини амалга оширяпти ва Турку номидagi Скандинавия менежмент университети эса ўзбекистонлик шериклар билан менежмент ва инновациялар соҳасидаги лойиҳалар бўйича ҳамкорлик қилади.

Бундан ташқари, Финляндия мутахассислари кўмағида Ўзбекистондаги мактабларда инклюзив таълим, педагогика ва рақамли технологиялар бўйича тренинглар ва семинарлар ўтказилмоқда. Бу тажриба алмашиш ва таълим стандартларини яхшилаш, икки мамлакат халқлари ўртасида ўзаро тушунишни мустаҳкамлашга ёрдам берапти.

Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши мамлакатимиз ва Шимолий Европа давлатлари ўртасидаги ҳамкорликини чуқурлаштиришнинг умумий тенденциясини акс эттиради. Мулоқот илгари кам бўлган эрта-да, ҳозир сиёсат ва иқтисодиётдан тортиб, таълим ва маданиятгача бўлган кенг ҳамаирий соҳаларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Иккала мамлакат ҳам ўз минтақасида, хусусан, Ўзбекистон Марказий Осиё маркази ўлароқ, Финляндия эса Европа ва Арктика ташаббусларида фаол иштирокчи сифатида муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур давлатларнинг икки томонлама ҳамкорлиги жадал ривожланаётган икки минтақа ўртасида кўприк вазифасини бажаради ҳамда тинчлик, ўзаро тушуниш ва барқарор тараққиётни рағбатлантиради.

Финляндия Президенти Александр Стуббнинг Ўзбекистонга бўлажак расмий ташрифи янги босқичга қадам қўяётган ўзбек-фин муносабатларини ривожлантиришда муҳим палла бўлади. Ўзаро манфаатдорлик, прагматик ёндашув ва умумий қадриятлар икки мамлакат ва халқларимиз манфаатларига жавоб берадиган шерикликни янада кенгайтириш учун ишончли асос яратди.

“Дунё” АА

Обод манзиллар



Январ ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийси

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг АҚШ Президентини билан учрашувини халқимиз катта ҳаёжон билан кузатибди. Жаноб Дональд Трамп Президентимизнинг фаилатларини алоҳида эътироф этиб, ижтимоий тармоқда гўзал пост қолдирибди.

Мамлакатимизда Оролбўйи экотизимини қайта тиклаш бўйича изчил давом эттирилаётган ишлар, хусусан, сўнгги йилларда денгизнинг қуриб қолган тубидаги 2 миллион гектар майдонда шўрга чидамли чўл ўсимликлари экилгани, 2030 йилгача ушбу ҳудуднинг 80 фоизида яшил қопламалар ҳосил қилиниши ҳақидаги маълумотлар дунё ҳам-жамиятини Ўзбекистон қандай давлат экани ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилишга ундади.

Мамнуният билан таъкидлаш керакки, янги Ўзбекистонни яратиб ҳосил бўлган реал воқеликка айланган, 2030 йилгача ушбу ҳудуднинг 80 фоизида яшил қопламалар ҳосил қилиниши ҳақидаги маълумотлар дунё ҳам-жамиятини Ўзбекистон қандай давлат экани ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилишга ундади.

Мамнуният билан таъкидлаш керакки, янги Ўзбекистонни яратиб ҳосил бўлган реал воқеликка айланган, 2030 йилгача ушбу ҳудуднинг 80 фоизида яшил қопламалар ҳосил қилиниши ҳақидаги маълумотлар дунё ҳам-жамиятини Ўзбекистон қандай давлат экани ҳақида чуқурроқ мулоҳаза қилишга ундади.

Халқни ижтимоий ҳимоялаш, ишчи-ҳодимлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида бошланган савобли ишлар касба уюшмалари фаолият йўналишлари билан уйғунлашди.

Сўнгги йиллардаги туб ислохотлар жараёнида касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб, ишчи-ҳодимлар ҳақ-ҳуқуқини, ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилувчи, ҳодим ва иш берувчи ўртасидаги алоқанинг энг муҳим ишончли кўприғига айланди.

Давлатимиз раҳбари учрашув чоғида мазкур ишларни янада ривожлантириш борасида қатор вазифаларни белгилаб берди.

Меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ҳодимларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, адолатли меҳнат шартонларини яратиш ҳар доим долзарб масалалардандир. Чунки давлат ва бюджет ташкилотлари ёки хусусий секторда ишлаётган баъзи фуқаролар турли қонунбузарликларга, дейлик меҳнат ҳақи вақтида тўланмаслиги каби ҳолатларга дуч келмоқда. Касба уюшмалари вакиллари ўз кузатувлари ва таҳлилларига таянган ҳолда бундай муаммолар ечимини топишда ишчи-ҳодимларга кўмакдош бўляпти. Энди бу борадаги ишлар ҳам янги босқичга кўтариладиган бўлди.

Яъни ҳодимлар уй-жой, сифатли таълим, тиббиёт ва транспорт хизматлари билан кафолатли таъминланади. Муҳими ҳаётий эҳтиёжларига етадиган даромад топишига шариот яратиб бериш чоралари қўрилади. Давлатимиз раҳбарининг “Шу ўринда бир ҳақиқатни яхши тушуниб олишимиз керак: инсон қадри, унинг ҳаёт сифати фақат иш ҳақи билан эмас, балки ижтимоий муҳит билан ҳам белгиланади” деган сўзлари ҳеч шубҳасиз, юракдан чиқиб юракларга етиб борди.

Мамлакатимиздаги ислохотлар иштирокчиси сифатида жамиятда бўлаётган ўзгаришларни доимо кузатиб бораман. Ташкил этилганининг 120 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ўтмишда бу қадар нуфузга эга бўлганини, халқро ҳамжамият томонидан эътироф этилганини эслай олайман.

Ўзбекистон Халқро меҳнат ташкилоти стандартларини қабул қилаётган энг фаол давлатлар сифидан жой олаётгани дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Саккиз йил олдин ушбу ташкилотнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ҳужжатлари сони 12 та эди. Ҳозир бу кўрсаткич 25 тага етди. Бундан ташқари, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси

Халқро касба уюшмалари Конфедерациясига аъзо бўлгани, республикамиз ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари кенгаши ташкил этилгани, Самарқанд шаҳрида туркий давлатлар касба уюшмалари ташкилоти тузилгани халқро ҳамжамият эътирофи, албатта.

Қарийб 50 йилдан буюн касба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиб келаман. Турли лавозимларда ишлаганимда касба уюшмалари меҳнат инспекциялари билан баъзи муаммолар масалаларда маслаҳатлашган пайтларим бўлган. Кейинчалик билишимча, меҳнат ҳуқуқ инспекциялари тугатиб юборилган экан. Орадан бир оз муддат ўтиб, бу инспекциялар қайта тикланганини эшитиб,

илгор тажрибаси Халқро меҳнат ташкилоти томонидан намуна сифатида бошқа давлатларга тавсия этилди. Бундай ўзгаришлар ҳаётимизда мутлақо янги саҳифалар очмоқда. Бунни юқорида таъкидланган АҚШга сафар мисолида ҳам, Самарқандда бўлиб ўтиши кутилаётган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси тимсолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ана шундай катта ўзгаришлар жараёнида Касба уюшмасининг ҳам ўрни борлиги қувонарли. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида Қашқадарё вилояти Касба уюшмалари кенгаши томонидан 348 та корхона, ташкилот ва муассасада меҳнат қонунлари бажарилишига риоя этилишининг аҳоли



мамнун бўлдим. Касба уюшмалари зиммасига ҳодимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юклатилган бўлса-ю, унинг ҳуқуқий асослари бўлмаса, бу, албатта, мантқиққа зид эди.

Умуман кейинги йилларда инсон ҳуқуқлари кафолати борасида катта ютуқларга эришишди. Масалан, мамлакатимизда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати жуда оғриқли нуктаимиз эди. Президентимизнинг қучли ирода, қатъий позицияси сабаб бу мураккаб муаммо ижобий ҳал қилинди. Шу орқали янги Ўзбекистон инсонпарварлик тамойилларига содиқ эканини дунё аҳли тан олди. Ҳатто мамлакатимизнинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича

ўрганилиб, қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган олти ой мобайнида вилоят Касба уюшмалари кенгашига фуқаролардан оғзаки, ёзма, электрон ва “ишонч телефони” орқали 176 та муурожаат келиб тушди. Бу муурожаатларнинг 79 таси қаноатлантирилган бўлса, 89 таси бўйича ҳуқуқий маслаҳат берилди, 8 таси эса тегишлилиги бўйича бошқа органларга юборилди. Қонунга зид тарзда ишдан бўшатилган 28 нафар ҳодим қайта ишга тикланди. Қонун бузилишининг олдини олиш бўйича 15 та иш берувчига ёзма кўрсатма берилди. Шунингдек, 6 нафар

Камолот пиллапояси

ИККИ МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲА

ЁШЛАР ТАҚДИМ ЭТГАН СТАРТАПЛАР НИМАСИ БИЛАН ЭЪТИБОРНИ ТОРТАДИ?

Президентимиз яқинда АТ паркка ташрифи чоғида сунъий интеллект технологияларини вазирлик ва идоралар фаолияти ҳамда бошқа соҳаларга кенг татбиқ этишга қаратилган лойиҳалар тақдими билан ҳам танишганди. Давлатимиз раҳбарига тақдим этилган лойиҳалар орасида иқтидорли ёшларнинг меҳнат махсули — “KotibAI” ҳамда “Detecting-AI.com” инновацион ишланмалари ҳам бор эди.

Ушбу лойиҳалар нимаси билан аҳамиятли? Улардан кутилаётган натижа қандай? Мазкур саволлар билан лойиҳа муаллифларига муурожаат қилдик.

— “KotibAI” сунъий интеллект асосида ишловчи ёрдамчи платформа бўлиб, ҳужжатлар билан ишлаш, матнларни тахирлаш ва таржима қилиш жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган. Платформа ҳодимларнинг салоҳиятини рўйбга чиқарадиган, самарадорликни оширишга ёрдам берадиган сунъий тафаккур хизматлари экотизими, — дейди лойиҳа асосчиси **Самандар Турсуналиев**. — Лойиҳамиз бүгун кенг қўлланыпти. Уч ойда 50 та энг катта корпорациянинг доимий тақдорланадиган ишларини сунъий интеллектга ўтказиб бердик. Бу билан ишчи ўрни қисқармайди. Сунъий интеллект ҳодимга кўмак беради, холос. Лойиҳа доирасида 8 та сунъий интеллект агенти фаолияти йўлга қўйилган. Ҳар бир агентнинг ўз вазифаси бор ва у ишни енгиллаштиради. Мисол учун, лойиҳанинг энг муҳим йўналишларидан бири — “Kotib Analytics” туфайли компанияга қўнғироқларни танлаб тинглаш учун кўп вақт сарфлаш шарт эмас. Дейлик, қўнғироқни тинглаб, жавоб беришга масъул ҳодим белгиланган муддатда барча муурожаатга жавоб беришга улгурмаслиги мумкин. Бу мулоқотнинг сифатига таъсир қилади. Ҳодим бир кунда 50 та қўнғироқни назорат қилиши мумкин. Сунъий интеллект агенти эса минглаб қўнғироқларни

тахлил қилиш имконига эга. Тизим мулоқотни 100 фоз таҳлил қилади ва тайёр ҳулоса беради. Вақт 75 фоизгача тежалди. Иш сифати ошади. Белгиланган вақтда катта ҳажмдаги ишни бажариш мумкин.

Сунъий интеллект таҳлили барча ҳодимлар ва бўлимлар учун объектив назорат стандартларини кафолатлайди.



Мижозлар билан мулоқотда тизимли хатоларни аниқлайди ва бартараф этади. Бу эса хизмат сифатини яхшилаб, мижоз тажрибаси ошишига олиб келади.

Яна бир йўналиш — “Kotib support” эса мижозлар билан мулоқот учун ягона сунъий интеллект платформасидир. Барча каналли бирлаштирилади ва маълумотлар асосида ўқитилган сунъий интеллект ёрдамчида 60 фоизгача жавобларни



автоматлаштиради. Бу уларнинг кутиш вақтини сезиларли даражада қисқартиради. Стартаплар — инновацион келажакни белгилайдиган куч. Улар ёшларга янги имконият беради, иқтисодиётни модернизация қилади ва мамлакатни рақамли ривожланиш йўлида олға силжитади. “KotibAI”дан ўрин олган “ақлли ёрдамчи”лар фаолиятини қузата туриб, бунга яна бир қарра амин бўласиз.

— Платформадан ўрин олган “Kotib Assist” матн, аудио ва видео билан ишлаш учун ақлли ёрдамчингизга айланиши мумкин, — дейди Самандар Турсуналиев. — У овозини матнга ўтириш, матнни овозлаштириш, кўп тили таржима хизматини бажара олади. Бу, айниқса, журналистлар учун қўл келади. Овозли ёзувни соатлаб ўтириб матнга ўтиришга зарурат қолмайди. Бунни сунъий интеллект агенти бир неча дақиқада бажаради. Тадбирлардан тайёранадиган тезкор лавҳаларда соҳа ҳодимларига яхши ёрдамчи бўла олади.

Лойиҳадан ўрин олган ақлли ёрдамчи “Kotib Event” тадбирларни ўтказишда кўмак беради. Синхрон таржима қилади, тадбирга келган одамларни топишни осонлаштиради. Нетворкнинг яхшилайди. “Kotib Dialogue” эса чатларда ахлоқий маркетинг учун интеллектуал ёрдамчи вазифасини бажаради. Муаммо ҳақида гапирган мижозларни топади ва уларнинг розилиги билан ечим таклиф қилади.

Ўзини оқлаган стартаплар анъанавий бизнесга қараганда соҳани тезроқ ривожлантиришга хизмат қилади. “KotibAI” ҳам барча соҳага таъсири орқали мамлакат иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшаётган лойиҳалардан биридир.

“Detecting-AI.com” эса сунъий интеллект ёрдамчида яратилган матн, овоз ва видео контентни аниқловчи глобал платформа бўлиб, ҳалоллик, ахборот хавфсизлиги ҳамда рақамли ишончлиликни таъминлашининг таъсирли ечими.

фуқаронинг муурожаатлари бўйича суд органларига даъво аризалари киритилди. Натижада меҳнаткашларнинг 2 миллиард 995 миллион 235 минг сўм иш ҳақлари ва бошқа тўловлари ундириб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ҳодимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши бўйича 21 та ташкилотда жамоатчилик назорати ўтказилди. Бу жараёнда 119 та камчилик аниқланиб, 17 та кўрсатма киритилди ва камчиликлар бартараф этилгани тўғрисида ёзма маълумотлар олинди. Жамоатчилик назорати натижасида киритилган кўрсатмаларга асосан 4922 ишчи-ҳодимнинг 675 миллион 900 минг сўмлик иш ҳақлари ундириб берилди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Қарши чўли ўзлаштирилиши муносабати билан Қашқадарёда меҳнат қилаётган турли миллат вакилларнинг фарзандлари дам олиши учун қўшимча 10 тадан ортқ болалар дам олиш оромгоҳи ташкил этилган. Ўша йиллари вилоятнинг тоғли ҳудудларида 40 га яқин болалар оромгоҳи фаолият кўрсатган.

Орадан йиллар ўтиб, тасарруфиди оромгоҳи мавжуд ташкилот ва корхоналарнинг мулк шаклини ўзгартириши ёки молиявий аҳоли ёмонлашган, аграр соҳадаги ўзгаришлар ва бошқа сабаблар туфайли кўплаб болалар оромгоҳлари тугатиб юборилди. Бундай ҳолатни бутун мамлакатда кузатиш мумкин эди.

Ўша йиллари Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти болалар оромгоҳларини сақлаб қолиш ташаббуси билан чиққанини, соҳага доир йнгилишларда ўз фикрларини куйинчаклик билан билдирганини яхши эслаймиз. 2022 йил 18 ноябрда Президентимизнинг “Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳада янги даврни бошлаб берди. Қарорга биноан Болалар соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси ҳамда Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти тузилди. Мазкур ўзгаришлар натижасида соғломлаштириш ёқасида турган ўнлаб болалар соғломлаштириш оромгоҳлари сақлаб қолинди. Ҳозир вилоятда 18 та болалар дам олиш маскани фаолият кўрсатмоқда.

Бугун Қашқадарё воҳасининг ҳушман-зара, баҳаво тоғли ҳудудларида жойлашган мазкур масканларда ҳар йили ёзги таътил даврида 24 мингдан ортқ болажон дам оляпти.

Биз бир гуруҳ нуронийлар ҳар йили соғломлаштириш мавсумида Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти вилоят бошқармаси тақлифига кўра, болажонларни оромгоҳларга кузатиш тадбирларида иштирок этамиз. Сўлим масканларда дам олаётган мактаб ўқувчилари билан учрашувлар ўтказамиз.

Қашқадарёда болаларни оромгоҳларга кузатиш ва кутиб олиш тадбирлари ўзоқ йиллардан буюн байрамона тарзда ташкил этиб келинади. Болажонлар ҳар сафар ота-оналар, ҳокимлик, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари иштирокида нуроний оқсоқолларнинг оқ фотиҳаси билан қарнай-сурнай садолари остида вилоят бўйича бир кунда оромгоҳларга жўнатилади. Бундай тадбирлар фарзандларимизнинг хотирасида бир умр қолиши билан жуда аҳамиятлидир.

Вилоятдаги “Лочин” ва “Шўртан қалдирғочи” болалар оромгоҳларига ҳар йили ёз ойида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятиндан юзлаб болалар дам олиш учун келади. Мазкур масканларда барча шариотлар яратилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Касба уюшмалари Федерацияси томонидан аҳолининг ҳордиқ чиқариши ва саломатлигини тиклаш учун Тошкент вилоятидаги “Север-сой”, Сурхондарё вилоятидаги “Сангардак”, “Хўжайпоқ” ва шунга ўхшаш кўплаб санаторийлар қурилиб, ишга туширилди. Келгуси йили воҳамизнинг сўлим ҳудудларидан бири — Шаҳрисабз туманида дам олиш маскани барпо этиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, турли ҳудудлардаги замонавий дам олиш масканларида меҳнаткашлар ҳордиқ чиқариши учун имтиёзлар берилмоқда. Биргина шу йил бошидан ҳозирга қадар вилоятдаги корхона ва ташкилотларда ишловчи 900 ҳодим ва уларнинг кекса яқин қариндошлари дам олиш масканларида имтиёзли дам олди. Мазкур мақсадлар учун 4 миллиард 226 миллион 717 минг сўм сарфланди.

Янги тахрирдаги “Касба уюшмалари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши, Федерация тасарруфидидала кенг нишонланмоқда, Тошкент шаҳри марказидаги таъмир-талаб тарихий концерт зали Президентимиз ташаббуслари билан Касба уюшмалари саройига айлантирилди.

Бугун янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсадларимиз ижобатида, “Инсон қадри учун” гоясини умуммиллий ҳаракатга, юртимизни кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айлантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда касба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Лойиҳамиз қиймати 2 миллион долларга баҳоланган. Дунё бўйича 350 мингдан зиёд фойдаланувчи ва 200 дан ортқ университетларда платформа кенг қўлланоқда. 1000 дан зиёд профессор ва ўқитувчи “Detecting-AI.com”дан фойдаланиб келмоқда. АҚШ, Европа Иттифоқи ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги мижозларимиз ижобатида, халқро даражадаги ишончлиги ҳамда амалий аҳамиятини тасдиқламоқда, — дейди **Абдулла Абдуразоқов**. — Мижозларимизнинг асосий қисми университетлар, илмий-тадқиқот марказлари, таълим муассасалари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ташкилотлардир. Платформа Ўзбек, инглиз ва бошқа тилларда ишлайди.



Лойиҳа жамоаси Ўзбекистон бозори учун махсус версия — “DetectingAI.uz”ни ишга туширмоқда. У вазирликлар, маҳаллий университетлар ва бошқа таълим муассасаларига мўлжалланган бўлиб, плагиатни аниқлаш, сўз эркинлигини муҳофаза қилиш ва рақамли хавфсизликни таъминлашда қўл келади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

